Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

# 11
(430)

Mart 2006

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| S. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| P. | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| J. | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Sh. | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Y. | 5 | 12 | 19 | 26 | |

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



# Ҳашар деган қадрият яшар

Кўҳна Туронзамин кўкламни ҳар галгидай йил бошидан кутди. Кутгандаям астойдил шайланиб, қир адирлари, боғлари-ю кентлари билан кутди.

Бу юртнинг эли ҳам кўкламни шайланиб, интиқ бўлиб кутади. Деҳқони белига қийиғини боғлаб, чўпони отарини чорлаб кутади. Бори эл покланиб кутади кўкламни. Азалий қадрияти бўлмиш ҳашари билан кутади бу эл.

Халқимиз йилни ҳашар билан бошлаб олади. Асил ўзбек эзгу ишларда албатта ҳашар қилади. Ҳашарга улуш қўшишни ёшу қари қарз деб билади.

Кўкламги ҳашар Наврўзнинг ҳурмати. Унинг оддий манзараси: теварак-атроф тозаланиб, дарахт ниҳоллари, гул кўчатлари ўтқазилади. Яъни, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилади.

Ҳашар жамоатчилик иши. Жамоавийлик эса халқимиз менталитетининг муҳим белгиси. Жамоатдан ташқарида ўзбек ўзлигини топа олмайди, яъни ҳашар халқимиз табиатининг ўзига хос ифодасидир. Бунда жамоат назорати, тенглик, бирдамлик сингари демократияга хос кўплаб қадриятлар мужассам. Ҳашардан ўзини тортганлар эътибордан қолиб кетаверади. Жамоадан айрилади. Эътибордан, кўпчиликдан қолишни ўзбек ўзига эп кўрмайди.

11-12 март кунлари юртимизда ана шундай умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Шу куни миллионлаб юртдошларимиз ободончилик ва озодалик, бунёдкорлик ҳашарида иштирок этди. Меҳнат жамоалари, ўқув масканларининг ҳеч бири бу умуммиллий тадбирдан четда қолгани йўқ. Маҳалла гузарларида, турар жой мавзеларида, корхона, ўқув даргоҳлари атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кўчатлар ўтқазилди, ариқлар тозаланиб, теварак-атроф чиқиндилардан тозаланди. Ўзлари яшаб турган кўча-кўй, маҳаллаларнинг ободликдан гўзаллашиб бораётганидан руҳланган ёшлар гул кўчатлари, дарахт ниҳоллари ўтқазишда, атрофни тартибга келтиришда намуна бўлдилар. Хуллас, дилида ободлик бўлган киши борки ҳашардан четда қолмади. Баҳоли қудрат бу тадбирда иштирок этишди.

Ҳашар жамоаларни халққа айлантиради. Халқнинг бунёдкорлик кучини намоён қилади. Халқ ҳашари катта куч.

Ўзбекнинг эртанги кундан умидлари чексиз эканини кўчат ўтқазаётганидан, гўзалликка ташналигини гул экаётганидан англаш нақадар завқли!

**Шавкат ЁДГОРОВ,**
**«Huquq» мухбири**
**А.ТЎРАЕВ олган суратлар.**

Mulohaza

# Дарслик ёзиш ўйинмас!

Умумтаълим мактабларининг 6-синфлари учун «Маънавият» нашриётида 2005 йили чоп этилган «Адабиёт» дарслиги ва шу дарсликдан фойдаланиш бўйича китобнинг ўзида айтилганидек «Ўқитувчилар учун услубий қўлланма»си билан танишиб чиққан киши боболарнинг: «Ҳар иш бир эр учундир, ҳар эр бир иш учундир», — деган гаплари қанчалик тўғри эканига амин бўлади. Негаки, бу дарслик ва қўлланма шу ҳолича ўсмирларнинг маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик восита эмас, балки қўлидан келмаган ишга уринган киши эришиши мумкин бўлган «натижа»нинг тимсолига айланган. Фикримизни бу қадар кескин ва қатъий айтаётганимизнинг сабаби шундаки, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаевлар яратган дарсликда (Аҳмедов *С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Маънавият», 2005)* на олтинчи синф болаларининг ёш хусусиятлари, на мактаб адабий таълимининг мақсад-у вазифалари ҳисобга олинган. Дарсликдаги мақолаларнинг кўпчилиги адабиётшунос олимларнинг тадқиқотига ўхшаб қолган. Мисол учун узоққа бориб ўтиришнинг кераги йўқ. Дарсликнинг 5-бетида: ***«...адабиёт деб аталган ноёб соҳада фақат ва фақат туғма истеъдодли кишиларгина фаолият кўрсата оладилар. Улар ўз дунёқараши ва тафаккури жиҳатидан бошқаларга ибрат (? — таъкид бизники) бўладиган шахслардир. Демак, уларнинг ижодий асарларида катта бир халқ, ҳатто инсоният бадиий тафаккури изланишларининг энг ноёб дурдоналари жамулжам бўлади (?). Сиз «ёзувчи-шоирман» деб юрган ҳамма кишилар ҳам шундай имкониятга (?) эгами, унда бемаза шеърлар, биров ўқимайдиган китоблар қаердан пайдо бўлади?» деб сўрашингиз мумкин»***, — деб ёзилган. Ифода тарзини бир четга қўйиб турганда ҳам айтилаётган гапларнинг мазмунан болалардан қанчалар йироқлиги кўриниб турибди. Наҳотки, муаллифлар бу «доно» мулоҳазалар ўқувчиларга ҳеч нарса бермаслигини билишмаса?

**(Давоми 3-бетда).**

Tahlil

**Мустақиллик йиллари мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга доир норматив ҳужжатларни яратишга алоҳида эътибор қаратилгани боис бугун республикамиз иқтисодиётида хусусий мулк микёси тобора кенгайиб, тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши мунтазам ортиб бормоқда. 2004 йилда бу улуш 35,6 фоизни ташкил этди. Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилиб, 2003 йилга нисбатан 14 фоизга кўпайди.**

**Шуни таъкидлаш лозимки, хусусий корхонада қилинган меҳнат тўғридан-тўғри даромад олиш кафолатини бермайди. Яъни, бажарилган меҳнат натижаси аввало бозорда тан олиниши ва истеъмолчи талабини қондириши лозим. Ёлланиб ишловчининг даромади ҳам ана шу асосда белгиланади. Шу боис хусусий секторда ишловчиларнинг ойлик даромади давлат корхоналари ходимлариникига қараганда бирмунча юқоридир. Масалан, 2003 йилги маълумотга қараганда миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнат қилувчиларнинг ўртача ойлиги 45 минг сўмни ташкил этган бўлса, хусусий корхоналарда бу миқдор 86,7 минг сўмга тўғри келган.**

# Кафолатланган ҳуқуқ

Бундай натижаларга эришишнинг бир сабаби хусусий мулкдор ва ёлланиб ишловчиларнинг асосий қисми юқори малакали мутахассис эканлигидир. Кўриниб турибдики, мулкдор ўз мулкини самарали ишлатишдан, ёлланма ишчи эса меҳнат натижаларининг бозорда тан олиниши туфайли юқори даражада маош олиш имконияти юзага келишидан манфаатдордир.

Албатта, бозор муносабатларининг шаклланиши силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил янгиланиб, бозор талабига мослаштириб борилиши зарур. Шу тамойилдан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама очиқ иқтисодий муҳитни қарор топтириш учун мавжуд маъмурий тўсиқларни олиб ташлашга йўналтирилган президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Натижада, иқтисодиётимизда хусусий секторнинг салмоғи кескин ортди. 1991 йилда хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб, салкам 36 фоизни ташкил этди. Бу миқдор ўсиб бораверади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотларга тўхталиб, кичик бизнес ва фермерликни янада ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва шарт-шароит яратиб бериш асосида 2007 йилга келиб, ушбу секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифасини қўйди. Бунинг учун мамлакатимизда етарли ҳуқуқий асослар яратилмоқда. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги каби қонунлар, юртбошимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва бошқа норматив ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Масалан, 2005 йил 14 июнда қабул қилинган мазкур фармонда назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб хусусий сектор субъектларига нисбатан ҳуқуқий чораларни фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилиши қатъий белгилаб қўйилган. Ваҳоланки, ушбу фармонга қадар бундай ваколат туман ҳокимларидан тортиб барча назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга бериб қўйилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда мулкдорлар учун яратилаётган шароитлар йилдан йилга мукаммаллашиб бораяпти. Чунки вақт ўтиши билан мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу асосда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам янгилаб бориш эҳтиёжи юзага келади. Шу маънода, жорий йилнинг январ ойида Қонунчилик палатасида «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилиб, депутатлар томонидан якдиллик билан маъқулланганини ҳам бугунги кун талаби дея қабул қилмоқ керак.

Ушбу қонунга кўра «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 39-, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилдики, улар ҳам эндиликда хусусий сектор ривожига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

**Акрам АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати**

# СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Оқтош шаҳридаги Биродарлик кўчасида яшовчи Н.Ашурованинг уйида 7000 кг. чигит сақланаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, «Зирабулоқ пахта заводи» ОТАЖга қарашли «КамАЗ» машинасининг ҳайдовчиси Х.Пардаев 253.000 сўмлик чигитни корхонадан олиб чиқиб, қариндоши А.Жияновга 840.000 сўмга сотган ва сақлаш учун Н.Ашурованинг уйига туширган.**

**Тошкент шаҳрида Т.Муқумов номаълум шахс билан келишиб, 48.000 сўм эвазига унга ўзининг паспорти билан 62.215 евро, 22.625 Буюкбритания фунт-стерлинги ва 26.000 АҚШ доллари сотиб олган.**

**Марғилон шаҳар «Дон маҳсулотлари бозори» ёнида ўтказилган текширишда 15 О 7937 номерли «Икарус» автобусидаги йўловчи Т.Абдуллаев 1.101.000 сўмлик 5300 қути акциз маркали ва 1.715.000 сўмлик 5400 қути акциз маркасиз сигаретларни сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланди.**

**Пешку туманидаги «Ал-Озод» фирмаси раҳбари К.Шеров «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро филиалидан 9.800.000 сўмлик кредит олишнинг антиқа йўлини ўйлаб топади. У «Кумушой» фермер хўжалигининг бош ҳисобчиси К.Нуровни алдаб, хўжалик раҳбарининг имзосини қалбакилаштирди. Аслида хўжалик балансида бўлмаган «Т-4а» ва «МТЗ-80» маркали тракторлар мавжудлиги тўғрисида сохта ҳужжатларни банкка тақдим этиб, кредит олди. Кредитни расмийлаштиришда филиалнинг кредит бўлими бошлиғи О.Жўраев ва юрист-маслаҳатчиси Б.Темировлар тракторларнинг «банк ички баҳолови» тўғрисида сохта далолатнома тузиб, давлат манфаатига жиддий зиён етказганлар.**

**Боёвут туманида яшовчи И.Абдурайимов рўйхатдан ўтмасдан уйида электр мойжувоз ўрнатиб, чигитдан мой ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келган. Ундан 150 кг. мой, 200 кг. чигит ва 200 кг. кунжара далилий ашё сифатида олинди.**

**Дўстлик туманидаги «Вигорек ихтерам ШТ» КТХФ мансабдорлари «Навоий» МФЙ раиси Б.Эшматов билан келишиб, улгуржи савдо гувоҳномасини олиш мақсадида фирманинг «Навоий» МФЙ ҳудудида жойлашганлиги тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни туман ҳокимлигига тақдим қилишган. Ҳокимлик мансабдорлари ҳам ваколатини суиистеъмол қилиб, улгуржи савдо гувоҳномасини беришган. Шунингдек, «Асакабанк»нинг Жиззах вилоят бўлими мансабдорлари ҳам «Вигорек ихтерам ШТ» КТХФнинг низом жамғармаси шакллантирилмаган бўлишига қарамай тегишли идораларга хабар бермасдан, фирманинг жиноий фаолиятини давом эттиришига йўл қўйишган. «Вигорек ихтерам ШТ» КТХФ мансабдорлари ушбу қалбаки гувоҳнома асосида 601.413.000 сўмлик савдо қилиб, пулини банкка топширишмаган ва бюджетга 10.244.000 сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келишган.**

**Фуқаро И.Курбонов Миробод тумани Афросиёб кўчаси 23-уй 36-хонадонга келиб, шу ерда яшовчи А.Шариповага 5000 АҚШ долларини ноқонуний равишда 6.375.000 сўмга сотган вақтда ушланди. Ундан хорижий валюта вақтинча олиб қўйилган.**

**Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.**

# МУҚАДДАС БУРЧ

Шу йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Қуролли кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ҳарбий қонунчиликка ҳам тааллуқли бўлиб, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун шу йўналишдаги фаолият маҳсулидир.

Қонуннинг 4-моддасида ҳарбий хизматнинг турлари баён этилган. Булар муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизматидир.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари қуйидагича: муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ва сержантлар учун 12 ойлик муддат; олий маълумотли ва офицерлар таркибидаги лавозимларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун 9 ойлик муддат.

Кўпчиликни қизиқтирадиган масала сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат бўлиб, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар шу резерв сафига олинадилар. Бу хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилиб, чақирилувчилар томонидан Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-варағига пул бадали тўланишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар 27 ёшга тўлгунга қадар олинади ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин. Фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистонга тажовуз рўй берган тақдирда эса улар ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар. Бу хизматни ўтаган фуқаролар 27 ёшга тўлганидан кейин Қуролли кучлар резерви таркибига ўтказилади.

Шартнома бўйича Қуролли кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга фуқаролар ихтиёрийлик асосида қабул қилиниб, улар давлат билан тузиладиган шартномага биноан оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибида хизматни ўтайдилар. Ҳарбий хизматни ўташ муддати ва асосий шартлари шартномада белгиланади. Айни пайтда дастлабки шартнома оддий аскар ва сержантлар учун 3 йил, офицерлар учун 5 йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан келгусида офицерлар таркибида ҳарбий хизматни камида 5 йил ўташ шарти билан шартнома тузилади.

Мазкур муддатлар тугагач, тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги шартнома тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Бу хизматни ўташ тартиби ва муддати Ўзбекистон фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскар, сержант ва офицер бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли кучлар сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш ва кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этилади.

Бу хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича йиғинларни ўташга жалб этилиши мумкин.

Яна шуни айтиш зарурки, жисмоний ва маънавий жиҳатдан яхши тайёргарликка эга бўлган чақириқ ёшидагиларни муддатли ҳарбий хизматга танлаш ва қолган чақириқ ёшидагиларни сафарбарлик чақируви резервига қўшиш учун танлов жорий этилган. Бу танлов фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ҳақида қарор қабул қилишда нохолисликка йўл қўймаслик имконини беради. Чақирув комиссиялари фаолиятида ошкораликни таъминлаш учун уларнинг таркибига бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ва ОАВ вакиллари киритилган.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурчдир. Юртимизнинг асил ўғлонлари бурчига доимо содиқ қоладилар.

**И.ОЧИЛОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

# Автокорхонадаги ўзлаштириш

**Мамлакатимизда транспорт хизматини кўрсатиш соҳаси такомиллаштирилмоқда. Буни кўчаларимизда равон кезиб юрган автобус ва таксилар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Кўчага чиқишимиз билан бизга мунтазир бўлиб турган таксилар бир зумда манзилимизга етказиб қўйишига кўникиб қолдик. Қурилиш учун материал ёки уйимизга бирор мебел харид қилсак, юк машинасини топиш муаммо эмас. Агар тадбиркор бўлсак, автокорхоналарнинг ҳар томонлама қулай хизматидан фойдаланиб туришга тўғри келади. Лекин айрим корхоналар мутасаддиларнинг айби билан банкротга учраши бозор иқтисодиётининг оддий ҳодисаларидандир. Айниқса, масъул кишилар товламачиликни касб қилиб олган бўлса, аҳволни ўзингиз тасаввур қилаверинг.**

Пахтакор туманидаги хўжалик ҳисобида ишловчи автоучастка (Пахтакор ХҲАУ) раҳбари Раҳматулла Ортиқов, турли вақтларда бош ҳисобчи лавозимида ишлаган Сайфиддин Бобобеков ва Зокир Сафаровларнинг хатти-ҳаракатини аҳиллик намунаси деб айтиш мумкин. Лекин бу аҳиллик талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш мақсадидаги жиноий уюшқоқлик эди холос. Р.Ортиқов бу даргоҳга бошқарувчи этиб тайинлангач ишни 2002 йил июн ойида ишчи ва хизматчиларнинг 1.139.000 сўм пулини сохта имзолар асосида ўзлаштиришдан бошлади. Шу тариқа корхонада қинғир ишлар авж олди. 2003 йил феврал ойида у қарийб 1 тонна бензинни аслида ишламаган «ГАЗ-31» машинасига чиқим қилиб, кимларгадир сотиб юборган. Кўп ўтмай бош ҳисобчиси С.Бобобеков билан каттагина операцияни бошлашади. Ушбу автоучасткага «Сеҳрли юлдуз» фирмаси шартномага асосан 3.000.000 сўмлик шина етказиб бериши лозим эди. Фирмага 4 ноябр куни автоучастка ҳисобидан 1.900.000 сўм пул ўтказилади. Режага мувофиқ эртасига Р.Ортиқов Аҳмад Ботиров номига берилган ишонч қоғози орқали фирмадан салкам 2.000.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни олади. Юк хатига олувчининг имзоси қўйилмаганлиги туфайли у бухгалтерия ҳисоботига кирим қилинмайди. Ишонч қоғози эса бош бухгалтер билан келишилган ҳолда бекор қилинади. Ҳисоботга киритилмаган эҳтиёт қисмлар эса номаълум кишиларга сотиб юборилади. 2003 йил 11 ноябр куни «Жиззах дон маҳсулотлари»дан олинган салкам 1.500.000 сўмлик 10 тонна ем, 12 ноябр куни «Жиззах оҳак» корхонасидан олинган 1.800.000 сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам шу тариқа ўзлаштирилади. Ишонч қоғозлари эса бекор қилиниб, бухгалтерия ҳужжатларига тикиб қўйилаверади. Бу билан қаноатланмаган жиноий гуруҳ корхонанинг асосий воситаларини сотишни ҳам бошлаб юборади. Дастлаб «ЛАЗ-695» автобуси 200.000 сўмга, кейинчалик 2 та «ЗИЛ-4502» ва «УАЗ-3309» машиналари, шунингдек, трансформатор ва тележка ҳам сотилади. Бу енг ичида битирилган ишлар бошқалар нигоҳидан четда қолганидан илҳомланган жиноятчилар 9.664.000 сўмлик «МАЗ» ва «ЗИЛ» маркали машиналарни ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборишган. Деярли ҳамма нарсани сотиб юборган шоввозлар охири автоучастканинг қолган 26.371.000 сўмлик маъмурий биноси, айвони ва омборхонасини тадбиркор Г.Тўхтамишевага сотиш ҳақида келишиб қўйишади. Корхонанинг умумий йиғилиши ўтказилмаган бўлса-да сохта баённома тузилади. Йиғилиш котибининг имзоси қалбакилаштирилади. Нотариус тасдиқлаган шартномада маъмурий иншоотларнинг нархи 1.250.000 сўм деб кўрсатилади.

Прокуратура томонидан олиб борилган текширишда гуруҳнинг кирдикорлари фош этилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди.

**Саиджон ҚУРМАНБЕКОВ,**
**Пахтакор туман прокурори**

# Гугурт қутисидаги оғу

**Зарафшон шаҳри ҳудудида ўтказилган «Фуқаро» ва «Қорадори — 2005» тадбирлари давомида тезкор гуруҳ аъзолари бир кишини қўлга олишди. У Саъдулла Раҳмонов бўлиб, илгари ҳам наркотик моддалар билан қонунга хилоф равишда савдо қилиб, жиноят содир этган эди. Гумон қилиниб тўхтатилган Саъдулланинг чўнтаклари холислар иштирокида тинтиб кўрилганда, унинг ёнидан 10 та гугурт қутиси чиқди. Лекин бу қутиларнинг бошқаларидан фарқи шунда эдики, уларда зиё улашувчи чўплар ўрнига марихуана яхшилаб қадоқлаб қўйилган эди. Айбига тўлиқ иқрор бўлган С.Раҳмонов буларни шаҳардаги «Поток» кичик корхонасига қарашли молхонанинг орқасидаги майдончага экиб парваришлаганини, сотиб пул ишламоқчи бўлганини маълум қилди.**

**Ушбу жиноят иши Зарафшон шаҳар судининг биносида кўриб чиқилиб, С.Раҳмонов 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.**

**Э.НУРМУҲАММЕДОВ,**
**Зарафшон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Судга ариза киритилди

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳудудий газ таъминот корхонасида «Шўрчи туман газ» филиали ходимлари Э.Эшмуродов ва бошқаларнинг аризаси бўйича ўтказилган текширишда 2005 йил август-декабр ойлари учун Э.Эшмуродовнинг 206 минг 116 сўм, Б.Хайруллаевнинг 582 минг 382 сўм, И.Бойназовнинг 384 минг 960 сўм, И.Жумаевнинг 350 минг 270 сўм, жамоанинг жами 6 миллион 291 минг сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмасдан муддати ўтишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан мазкур корхона бошлиғи Н.Абраев, бош ҳисобчиси Р.Ражабов, филиал бошлиғи О.Менглиев ва бош ҳисобчи М.Собировларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Корхона бошлиғи номига қонунбузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида тақдимнома киритилди.

Ариза муаллифлари манфаатларини кўзлаб иш ҳақини ундириш тўғрисида судга даъво аризалари киритилди.

**Қ.ЖЎРАНАЗАРОВ,**
**«Ниқиқ» мухбири**

# Газ ёқдингми, ҳақини тўла

Биз таппи ёққан кунларимизни унутдик. Ҳўл ўтинни ўчоққа тиқиб, тутундан кўзимиз ачишиб, чой қайнатганларимиз эсимиздан чиқди.

Мурватни бурасак газ чиқади, гугурт ёқсак зангори олов ёниб, зум ўтмай сувимиз қайнайди. Ҳузур.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қарши туман судида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида (электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидасини бузиш) кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик содир қилган фуқаро ва мансабдор шахсларнинг иши кўрилди. Айбдорларга жарима солинди ва давлатга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилди.

Кўчкак қишлоғида яшовчи Иброҳим Узоқов тандирда нон ёпиб сотади. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган, бунинг устига газдан ҳам текин фойдаланиб келган. Бақувват йигит.

Суд қарорини эълон қилгач, у норозилик билдирди:

— Мен зарарни қоплай олмайман, жаримa ҳам тўлай олмайман.

Гапга прокурор аралашди.

— Имконингиз йўқми?

— Ҳа.

— Кунига нечта нон ёпиб сотасиз?

— 50 та, 100 та...

— Неча пулдан сотасиз?

— 200 сўм.

— Майли, сизнингча бўлсин. Оддий қилиб айтганда, кунига 10-20 минг сўм топарkансиз. 1 $м^3$ табиий газнинг нархи 41 сўм 40 тийин, бир соатда 4 $м^3$ газ ёқаркансиз, бу 165 сўм 60 тийин дегани. Кунига 2 минг сўмлик атрофида газ ёқасиз. Бу жами даромадингизнинг 10 фоизини ташкил қилиши мумкин. Бу ҳам қимматлик қилса, ғўзапоя ёқа қолинг, балки арзонроқ тушар. Давлат мулки дегани текин мулк дегани эмас-да. Осмондан ун ҳам ёғиб турса-ю, сиз фақат нон ёпиб, фойда олаверсангизда, а? Нима дейсиз?

У жим. Бу томонини ўйлаб кўрмаган экан.

**Довуд МАДИЕВ**

# Дарслик ёзиш ўйинмас!




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарслик-мажмуа ва қўлланмадаги саволларнинг кўпчилиги ўқувчиларга матнни ўзлаштириш, персонажлар руҳиятини туюш орқали ўзида шахслик сифатларини шакллантиришга эмас, балки фақат матндан хабардор бўлиб, ундан ғоявий хулоса чиқаришга хизмат қиладиган тарзда тузилган. Масалан, қўлланманинг 49-бетида болалардан **«Сотиболдининг хотини қандай касалга учраган?», «Нега касал аёлни толнинг хипчини билан савалашади?», «Ўтмишда касални қон олиш, товуқнинг қони билан (?), хипчин билан уриб даволашганми?»**, 15-бетида **«Болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ҳақида нималарни биласиз?», «Х.Тўхтабоев нега болалар ёзувчиси ҳисобланади?»** сингари саволларни, 22-бетда **«Ёзувчи Ҳошимжоннинг «фаолияти» учун (?), турли ҳаракати учун (?) тўлиқ имкониятлар яратиб беролганми?»** дея сўраш тавсия этилади. Дарсликнинг 39-бетида болаларга **«Эътибор берсангиз (?), Ҳошимжон сеҳрли қалпоққа ишониб қайси касбда ишламоқчи бўлса, дарров қовун тушириб, фош бўлаётганининг сабаби нимада?», «Ўзбек адабиётида яратилган саргузашт асарларни сананг»**, 102-бетида **«Танобчилар» асарида қандай воқеа ҳикоя қилинади?», «Асардаги амалдорларнинг кирдикорларини нималарда кўрасиз?»** каби сўроқлар қўйилади. Саволларнинг матн жозибасини очишга мутлақо хизмат қилмаслиги, ўта жўнлиги, топшириқларнинг ҳеч қандай дидактик аҳамиятга эга эмаслиги шундоққина кўриниб турибди.

Дарслик муаллифларининг адабий матнга ўсмир кўзи билан қарай олмасликлари асарлар таҳлили ва улар юзасидан тузилган савол-топшириқларда кўриниб қолган. Дарсликда олтинчи синф ўқувчиларига айтилаётган қуйидаги гапларга эътибор қилинг: **«Албатта, Сандро амалга оширган мудҳиш жиноятни ҳеч нарса билан оқлаб (?) бўлмайди. Бироқ уни ўз миллатига қарши қўл кўтаришга мажбур қилган сиёсат ва мафкурани ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Сандрога ўхшаш одамларга «коммунизм» деб аталган «бахтли келажак»ни ваъда қилиб, уларни йўлдан оздирган шўро ҳукумати қутқуси нафақат Грузияда, балки бошқа ўлкаларда, жумладан, бизнинг юртимизда ҳам шунга ўхшаш кўплаб фожеаларга сабаб бўлганди»** (122-бет).

Дарслик-мажмуа ўқувчиларга, қўлланма ўқитувчиларга методик жиҳатдан мутлақо тўғри келмайди. Муаллифлар мактабда адабиёт ўқитиш методикасидан жуда йироққа ўхшайди. Шунинг учун ҳам «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасини ўқувчиларбоп қилиб тақдим этиш ўрнига Тоғай Мурод ва унинг адабий авлоди ҳақида салкам беш бетлик илмий обзор берилади (дарсликнинг 284—288-бетлари). Айни шу сабаб «Низомнинг тантилиги» парчаси олдидан берилган маълумотлар асарни қабул қилдиришга эмас, балки Американинг «Гладиатор» филми атрофидаги шов-шувлар шарҳига бағишланган (дарсликнинг 312—314-бетлари).

Дарслик ва қўлланмада ўқувчи ҳамда муаллимларни чалкаштирадиган анчагина фактик, тушунчавий хатолар ҳам борки, улар муаллифларнинг масъулият даражаси нечоғлилигини кўрсатади. Чунончи, дарсликнинг 53-бетида Ғ. Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси қаҳрамони ҳақида: **«...Омонга қўшилиб Султон ўғри бошчилигидаги киссавурлар билан тунни ўтказади, кўчманчи қозоқ овулида ўлик ювиб шарманда бўлишади...»**, — тарзида маълумот берилган. «Ўлик ювиш» маросими қозоқ овулида эмас, кўчманчи ўзбек элатларининг бирида содир бўлгани тасвирланганини дарслик муаллифлари бўлмиш олимлар билишлари керак эди. Ғ.Ғулом қиссада бу лавҳани шундай акс эттирган:

**«Бир отлиқ қишлоқ ўзбеги эди. ...Бу муқаддима гаплардан ўзбек данак топган тентакдек қувониб кетди.**

**— Вой-бўй, тақсирлар, вой-бўй, тақсирлар! Сизларни худойимнинг ўзи етказди. Қани журинглар, айтпасам. Шу жақинда бизнинг кўчкин чорва элат бор. Бир жигитимиз навқасланиб, қаза қилган эди. Уни жувиб, жаназа ўқийдиган киши жўқ».**

Дарслик-мажмуанинг 97-бетида шундай ёзилган: **«Муқимийдан бой ижодий мерос қолган. Шоир, асосан, поэзия жанрида ижод этган бўлса-да, асарлари ўзининг тематикаси ва бадиий-ғоявий хусусиятлари жиҳатидан ранг-барангдир»**. Бадиий асарга бу хил ёндашув мутлақо эскиргани ва ифода тарзининг олтинчи синфда ўқиётган ўсмирларга номувофиқлигидан кўз юмган тақдирда ҳам адабиётда **«поэзия жанри»** йўқлигини таъкидлаш керак бўлади. Қўлланмада дарж этилган қуйидаги назарий хулоса ҳам «топилдиқ» экани билан ажралиб туради: **«Ҳажвия асарлар кенг мавзуни ёки тор мавзуни қамраб олиши мумкин. Муқимийнинг «Танобчилар» ҳажвияси шеърий шаклда бўлиб, тор мавзуни қамраб олган»** (43-бет). Мавзунинг «кенг» ёки «тор»лиги қўлни тиқиб аниқланадими ёки бошни?

Қўлланма муаллифларининг Алишер Навоий ижодини ўргатиш бўйича ўқитувчиларга берган «тавсия»лари ғализликнинг «гултожи» даражасига кўтарилган: **«Маълумки, Алишер Навоий ҳаёти ва унинг асарлари бошланғич синфлардан бошлаб (?) ўрганилади. 6-синфда эса, ўқувчилар (?) шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида уларнинг (?) ёш хусусиятларига мос тарзда маълумотлар берилади (?). Бу ўринда 6-синф дарслигида берилган (?) қисқа маълумотни бериш (?) мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи Алишер Навоийнинг лирик мероси, ундаги кичик жанрларга оид маълумотларни (?), шоир таржимаи ҳолидаги (?) бўлим (?) орасида бериб борилса (?), кейинги машғулотда ўтилиши (?) лозим бўлган мавзуни мазмунли ўтилишида (?) замин ҳозирлайди. 6-синфнинг дастурида Алишер Навоий (?) ёшлик давридаги ҳаёти (?) ва ижодини ўрганиш учун 3 соат вақт ажратилган».** *(Аҳмедов С., Турсунова М., Кўчқоров Р. Адабиёт. 6-синф. Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. — Т.: «Маънавият», 2005. 86-бет).* Берилаётган «тавсия»нинг савияси қандайлиги ҳеч бир изоҳсиз ҳам кўриниб турибди. Фақат дарсликда **«Навоийнинг лирик мероси, ундаги кичик жанрларга оид»** бир оғиз ҳам маълумот берилмаганини айтиб қўйишгина мумкин.

Дарслик-мажмуа билан қўлланмани ўқиб чиққан кишида муаллифлар дидактик ашёларни бир-бирларидан бехабар ёзишган ва уларни болаларда шахсликни шакллантиришга эмас, ўзларига илмий кашфиёт бўлиб туюлган «янгилик»лар билан тўлатишга уринишган деган фикр пайдо бўлади. Дарсликнинг 103-бетида: **«...Абдулла Қаҳҳор 1907 йилнинг 17 сентябрида Кўқон шаҳридан унча узоқ бўлмаган Ашт қишлоғида дунёга келган»**лиги ҳақида маълумот берилгани ҳолда «услубий» қўлланманинг 48-бетида бу хусусда Абдулла Қаҳҳор тилидан: **«...мен 1907 йил кузда, чоршанба куни 17 сентябрда Кўқоннинг Кўмир бозори маҳалласида туғилганман»** тарзидаги иқрор келтирилиб, ўқувчига бир хил, ўқитувчига иккинчи хил маълумот берилиши муаллифларнинг ўз ишларига муносабати қандайлигини ҳар қандай изоҳдан кўра яхшироқ англатади. Дарсликдаги маълумотда бир неча хатолик бор. Биринчидан, Ашт «Кўқон шаҳридан унча узоқ бўлмаган» қишлоқ эмас. У Тожикистонга қарайдиган кент. Иккинчидан, Қаҳҳорнинг ўзи туғилган куни, жойи ва санаси ҳақида аниқ ёзиб турганда, ҳеч қандай асоссиз уни «тўғрилаш» ёзувчига нописандликдир.

Шунга ўхшаш ҳолатни Одил Ёқубовнинг туғилган жойи борасидаги қайдларда ҳам кузатиш мумкин. Дарсликда ёзувчи: **«Чимкент вилояти Қарноқ қишлоғида туғилган»** дейилса (126-бет), қўлланмада **«Чимкент вилоятига қарашли Туркистон шаҳрида»** деб (58-бет) кўрсатилади. Ёзувчи Ў.Ҳошимовнинг туғилган жойи ҳам дарслик (157-бет) ва қўлланмада (71-бет) икки хил кўрсатилган. Абайнинг онаси Улжон қўлланманинг 121-бетида **Уяжон**, машҳур «Қора сўз» пандномаси эса **«Қоракўз»** (122-бет) тарзида берилади. П.Қодировнинг «Олмос камар» романи қўлланмада **«Олтин камар»** деб аталаверади (144-бет).

С.Аҳмедов ҳамда бошқаларнинг дарслик-мажмуа ва қўлланмасида ўқувчиларга айтадиган гаплари, айниқса, ўқитувчиларга берадиган тузукроқ маслаҳатлари бўлмагани учун муаллифлар атай уларни алдаш йўлидан боришганга ўхшайди. Акс ҳолда улар бир китобдан икки китоб «ясамаган», ўқувчиларга айтилган гаплар билан муаллимларни ҳам «тўйдирмаган» бўлишарди. Дарсликнинг 39-бетида болаларга берилган: **«Адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималар биласиз?», «Адибнинг (?) умрининг (?) катта қисмини айнан болалар учун ижод қилишга сарфлаганининг (?) сабаби нимада?», «Х.Тўхтабоевнинг қайси асарлари билан танишсиз?»** сўроқлари методик қўлланманинг 15-бетида бироз ўзгаришлар билан такрорланган. Бунда нафақат саволларнинг савияси паст ва ўрганилаётган матн моҳиятидан йироқлигига эмас, балки кўчирмачилик факти ҳам бўй кўрсатган.

Бу жиҳатдан, айниқса, қўлланмадаги «Азим Суюн» мақоласи алоҳида ажралиб туради. Мақоланинг бошида: **«Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мактаб адабиёт дастурларида (?) анчагина маълумотлар берилган»**, — деб ёзилади. Диққат қилган кишига шу биргина кераксиз жумладан муаллифларнинг мактабдаги таълим жараёнидан қанчалар йироқлиги маълум бўлади. Мактабда давлат ҳужжати ҳисобланадиган адабиёт дастури битта бўлади. Бундан ташқари, дастурда бирор шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида «анчагина» у ёқда турсин, бирорта ҳам маълумот берилмайди. Демак, муаллифларнинг гаплари ҳаводан олинган. Энг ёмони, қўлланмадаги «Азим Суюн» мақоласи иккинчи хатбошисидан бошлаб (қўлланманинг 30—36-бетлари) дарсликдаги «Азим Суюн» мақоласидан бирор ўзгаришсиз тўлиқ кўчириб олинган (дарсликнинг 58 — 64, 68 — 69-бетлари). Бу ўринда дарсликдан қўлланмага ёки аксинча кўчирилган матнларни келтириш мумкин эди. Лекин бу кўчирмалар бутун бошли китобга айланиб кетади. Қўлланма муаллифлари қизишиб кетганидан дарсликнинг 68-бетидаги ўн икки савол-топшириқни, ҳатто «Азим Суюн шеърларидан ёд олинг» деган сўнгги топшириққача қўлланмага мутлақо ўзгаришсиз кўчиришади. Шу тариқа етти бетлик айни бир нарса икки китобдан ҳам жой олади. Агар бундай ҳол биргина шу ерда юз берган бўлса, эҳтимол, чидаса бўларди. Лекин бу бошқа саҳифаларда ҳам давом этади.

Қўлланмадаги «Бадиий сўз қудрати» мақоласи (83 — 85-бетлар) бошидаги ўн икки қатордан сўнг тўлиғича дарсликдаги шу номли мақоладан (178—180-бетлар) кўчириб олинган. Муаллифлар нима қилиб бўлса-да, дарслик ва қўлланма ҳажмини қаппайтиришга уринишганидан битта матнни қайта-қайта ёзишдан асло тортинишмайди. Жумладан, «Жон»имдаги «жим...» деб бошланадиган рубоий матни дарсликнинг 190-, қўлланманинг 91- ва 92-бетларида уч карра тўлиқ ёзилган. Баъзи жумлалар айрим сўзларни такрор қўллаш ҳисобига каттартирилади.

Одатда, дарслик деб аталувчи дидактик ашё қатъий тартиб асосида яратилади. Чунки болалар мунтазам равишда такрорланувчи ҳолатга руҳан кўникиб, дарсликдаги маълумотларни қабул этишга ичдан ҳозирланадилар.

Бу дарсликда эса мунтазамлик таъминланмаганга ўхшайди. Муаллифлар М.Шайхзоданинг «Йилларнинг саломин...» деб бошланувчи шеърининг 18 қаторини беришади-да, унинг шу қисмини шарҳлашга тушишади. Сўнг шеърнинг қолган қисми берилади. Ҳолбуки, адабиёт методикаси ўрганиладиган матн тўла тақдим этилиши, кейин ўқувчилар уни ўзлаштиришга йўналтирилишлари лозимлигини талаб қилади. Чунки бола бу объект билан илк бор дуч келаётган бўлади. Адабиётшуносликда эса тадқиқот объекти билан таниш одамлар кўзда тутилгани учун ҳам тўғридан-тўғри талқинга ўтилаверади. Янги дарсликда бир шоирнинг барча шеърлари келтирилиб, сўнг савол-топшириқлар алоҳида берилади.

Ачинарлиси шундаки, муаллифлар айрим ўринларда адабиётшунос сифатида ҳам хатога йўл қўйиб, асарларни мутлақо нотўғри шарҳлашлари билан ўқувчи ва ўқитувчиларни чалкаштирадилар. Масалан, М.Шайхзоданинг шеъридаги: **«Кундузлар тунларнинг сочин тарамай, Ўполмас тонгларнинг пуштиранг лабин»** мисралари қўлланмада шундай шарҳланади: **«Шеърнинг дастлабки мисраларида вақтнинг тўхтовсиз ҳаракати шоир томонидан жуда жозибали тарзда тасвирланади. Кундуз ва тунни бир-бирига қиёслаш орқали жонлантириш — ташхис санъатини қўллайди. Яъни кундузлар тунларнинг сочини вақт ўтса тарай (?) олмаслигини, тоғларнинг(?) пушти ранг лабин эса ўпа олмаслигини (тонгда тоғларнинг чўққилари қуёш чиқиш жараёнида пушти рангга киради. Шоир табиатнинг ана шу гўзал лаҳзасини назарда тутмоқда) афсус билан баён этади. Шеърнинг кейинги мисраларида табиат тасвири, (?) инсонларга кўчади. Яъни вақт ўтган сайин,(?) инсоннинг кечинмалари нималарни ифодалашини айтади»** (қўлланма 154-бет). Буларни ўқиб, беихтиёр халқнинг «Мен нима деяман-у қўбизим нима дейди?» нақли эга тушади. Шеърда тоғ ҳақида бирор оғиз сўз тугул ишора ҳам бўлмагани ҳолда шунча гап айтиш учун одам камида ёлғончилик ҳадисини олган бўлиши керак. Марҳум шоир бор-йўғи: «Ҳар нарса ўз вақтида, навбати билан бўлади. Кундуз тунни кўрмай туриб, тонгнинг пушти ранг лабидан ўполмаган, яъни унга етишолмаган бўларди», — демоқчи. Бу ерда **«соч тараш»** тасвири келганига сабаб тун ҳам соч каби қорадир.

Қўлланманинг 30-бетидаги «Азим Суюн» мақоласида: **«Замонавий шеъриятда шундай шоирлар борки, улар ўз шеърларининг биринчи сатридаёқ ўқувчи қалбини (?) чертади, унинг қалбига кирадиган йўлни излайди»**, —дейилган бўлса, 71-бетдаги «Ўткир Ҳошимов» мақоласида шу гаплар: **«Ўзбек адабиётида шундай ёзувчилар борки, улар ўз асарларининг биринчи сатридаёқ ўқувчи қалбини чертади, унинг қалбига кирадиган йўлни излайди»**, — шаклида қайтарилади. Дарсликнинг 221-бетидаги: **«Масал сўзи ўтмишда биз ҳозир қўллайдиган мақол маъносида ишлатилган. Зарбулмасал сўзга мақол қўшиб гапириш, ўхшаши ва далилини келтириш маъноларини ҳам англатади»** деган тўхтам етти бетдан сўнг (234-бет) ҳеч бир ўзгаришсиз қайтарилган. Дарсликнинг 236 — 237-бетларидаги «Зоҳир Аълам» номли икки бетли мақола саволларига қадар қўлланманинг 115 — 116-бетларида бирор ўзгаришсиз такрорланади. Шу адибнинг «Афандининг қирқ бир пашшаси» асари ҳақида дарсликнинг 263—265-бетларидаги мақола қўлланманинг 116 — 119-бетларига ўн икки қаторли қўшимчадан сўнг тўлиқ кўчирилган. Дарсликдаги «Низомнинг тантилиги» асари таҳлилига доир мулоҳазалар (337-бет) қўлланманинг 149-саҳифасида бироз ўзгаришлар билан такрорланган.

Даҳшатлиси шундаки, янги дарслик ва қўлланма муаллифлари ўзларидан ўзлари кўчириб, бир китобдан икки китоб ясаш билангина кифояланишмаган. Улар ўзгаларнинг мулкига қўл чўзишдан ҳам тап тортишмаган. Методик қўлланмадаги «Худойберди Тўхтабоев» мақоласининг 15-, 16- ва 18-бетларида келтирилган маълумотлар ўқитувчилардан кўра, ўқувчиларга берилса, педагогик мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин бу жойига тушмаган маълумот ва талқин Ғ.Ғулом номидаги НМИУда 2004 йилда олтинчи нашри босилган «Адабиёт» дарслигидан тўлиқ кўчириб олинган.

Дарсликнинг «Одил Ёқубов» мақоласида муаллифлар савол- топшириқларнинг олдинги дарсликдан кўчирилганини билдирмаслик учун уларнинг ўрнини ўзгартиришган. Мисол учун олдинги дарсликдаги **«Боланинг «...гумбур-гумбур садолар-у оташин қўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаприқиб кетаверарди» деган иқрорини қандай изоҳлайсиз? Ўзингизни ўша боланинг ўрнига қўйиб кўринг»** шаклидаги тўққизинчи савол янги дарсликда олтинчи ўринда **«Боланинг «...гумбур-гумбур садолар-у оташин қўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаприқиб кетаверарди» деган иқрорини қандай изоҳлайсиз?»** шаклида берилган.

Дарсликнинг Саид Аҳмад ижодига бағишланган ўринларида ундан-да ғаройиб ҳолатга дуч келиш мумкин. Янги дарсликнинг 171-бетида берилган ўн битта савол тўлиғича 1999 йилдан бери олти марта нашр этилган 6-синф «Адабиёт» *(Қ.Йўлдошев ва бошқалар. Адабиёт. 6-синф учун дарслик-мажмуа. 2004. 161-бет)* дарслик- мажмуасидан бирор ўзгаришсиз кўчирилган. Чамаси, муаллифлар олдинги дарсликнинг тузувчилари дарсликни ҳам, қўлланмани ҳам кўрмасликларига ишонишган. Ёки... янаям ким билади, улар нимани ўйлашган экан.

Янги қўлланманинг 121-бетида берилган: **«Абай 1845 йилда Қозоғистоннинг Семей вилоятига қарашли Аякўз туманининг Чингизтоғ ёнбағрида жойлашган Қорауй овулида бой хонадонда туғилган. Отаси Кўнонбой Семейнинг эътиборли бойларидан бўлган. Шоирнинг асли исми Иброҳим бўлиб, онаси Уяжон ва отасининг онаси Зийрак момо томонидан эркаланиб Абай деб чақирилар эди. Кейинчалик бу ном шоирнинг тахаллусига айланиб кетди. Абай дастлабки маълумотни овулидаги мулла қўлида олди. 12 ёшида Оренбургдаги мадрасада ўқиди»** деган маълумотлар ҳам эски дарсликнинг 258-бетидан деярли ўзгаришсиз кўчириб олинган. Қўлланма муаллифлари кўчиришга берилиб кетишганидан ўз дарсликларига мутлақо киритилмаган, олдинги дарслик муаллифларидан бири Қ.Йўлдошев ўзбек тилига таржима қилган шеърларни ҳам «шарҳ»лаб юборадилар (қўлланманинг 123-бети).

Дарсликда ҳам, қўлланмада ҳам муаллифлар негадир «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» мақолини бот-бот тилга олишади. Ҳатто 6-синф ўқувчиларига ўқув йилининг бошида Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романи юзасидан мунозара ўтказишни ҳам тавсия этишади. Улар яратган дарслик ва қўлланманинг аҳволини кўриб кишида одам бўлиш ҳам, фойдали иш қиладиган олим бўлиш ҳам чиндан-да қийин экан деган фикр пайдо бўлади. Бизни бир нарса кўп ўйлантиради, яъни китоб тендерда ғолиб чиққан бўлса, экспертлар қаёққа қаради, таълим вазирлигидаги масъул одамларнинг кўзи қаерда эди, тақризчилар нимани ўйлашган? Наҳотки, юрт болалари шундай ночор китоблар билан ўқитилиб, тарбияланиши керак?

**Рустам ЭМИН**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***
***Газета — фикр майдони. Юқорида танқид қилинган дарслик ва қўлланма муаллифлари, мутахассислар ва жамоатчиликнинг ушбу масалада фикр-мулоҳазалари бўлса, таҳририят уларни бажонидил эълон қилишга тайёр.***

**Тошкент шаҳар прокурорининг қабулхонасига келган арзгўйларни кузатиб, суҳбатига қулоқ тутиб шунга амин бўлдимки, инсон табиатидаги адолатга бўлган ташналикнинг чегараси йўқ экан. У адолат истайди, адолат тантана қилишидан умид узмайди. Ҳуқуқини талаб қилаверади. Билганлар билади, «ҳақ олинур, берилмас»...**

# Энг муҳими эътибор экан

## ЁКИ ПРОКУРОР ҚАБУЛХОНАСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Кундалик турмушда дуч келинадиган муаммолар орасида баъзан шундайлари ҳам учрайдики, уни ҳал этишга қурбимиз етмай қолади. Шундай вазиятда, дейлик, ҳуқуқий масалалар билан боғлиқ муаммоларга дуч келсак, адолат истаб ваколатли идораларга мурожаат этиш ҳақида ўйлаб қоламиз.

Шаҳар прокурорининг аризачиларни шахсан қабул қилиш жараёнида иштирок этишдан кўзлаган мақсадим фуқаро нега ариза ёзади-ю, нима учун шахсан прокурор билан учрашиш ниятида келади деган саволларга жавоб топиш эди.

— *Шикоятимда айтганимдай, менинг сизга мурожаат этишдан бошқа чорам қолмади,* — дейди аризачи Н.Пўлатов. — *Мен хусусий тадбиркор Р.Хўжаевнинг фаолиятидан норози бўлиб келдим. Ўртада тузилган шартномага мувофиқ у 120 кун ичида менга маҳсулот етказиб бериши керак эди. Лекин пулни тўлаб қўйган бўлишимга қарамай, маҳсулот етказиб бериш ўрнига пулимни айлантириб, фойда кўриб юрибди. Шу кунгача менга етган зарар 20 млн. сўмни ташкил этди. Пулимни ёки маҳсулотни олиш учун уринишларимдан наф чиқмади. Ёрдам сўраб қанча идораларга арз қилдим, фойдаси бўлмади. Муаммони ижобий ҳал қилиб беришингизни сўрайман.*

Шундан кейин прокурор аризачи билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритиб олди ва тегишлича ўрганиб 10 кун ичида жавоб берилишини маълум қилар экан, агар кўрсатилган важлар асосли бўлса, муаммо албатта ижобий ҳал этилишини билдирди (изоҳ: мақола нашрга тайёрлангунга қадар ўтган вақт ичида ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми бўйича жиноят иши қўзғатилгани ҳақида маълум қилинди).

— *Менинг бошимга тушган кулфатни душманимга ҳам раво кўрмайман,* — дейди 25-30 ёшлардаги йигит. — *Эндигина уч ёшга тўлган ўғлим СПИД деган бедаво хасталикка чалиниб қолибди. Бундан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак. Менинг ўзимда ҳам, хотинимда ҳам бу касаллик аломатлари аниқланмади. Қон таҳлилларимиз тоза чиқди. Кўп жойларга мурожаат қилдим, лекин ҳеч ким сабабини аниқлаб, айбдорларни жазолаш тадбирини кўргани йўқ. Ахир норасида боламни шундай дардга йўлиқтирганлар жавоб бериши керак-ку! Шунинг учун сизнинг қабулингизга келишга қарор қилдим.*

Тўғриси, шу ёшга кириб ҳали бу қадар фожеали воқеа ҳақида, бунинг устига жабрдийдаларнинг ўз оғзидан эшитмаган эдим.

Прокурор аризачидан тафсилотларни сўраб, масалага ойдинлик киритар экан, унинг гап оҳангидан йигитга нисбатан ҳамдардлик, айни вақтда бир норасиданинг гулдай умрини хазонга айлантириб, ота-онасини изтироблар гирдобига ташлаб қўйган айбдорларга нисбатан нафрат сезилиб турарди. Аризачи ва прокурорнинг ўзаро суҳбатидан ота болага бу касаллик унга қон қуйиш процессида донор қони етарлича текширилмаганлиги оқибатида юқтирилган деган фикрда эканлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг прокурор аризачига қисқа муддат ичида мутахассислар иштирокида тегишли чоралар кўрилиши ва айбдорлар албатта қонун олдида жавоб беришини айтди (изоҳ: ушбу ҳолат бўйича ҳам ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, айни пайтда тергов давом этмоқда).

Қабуллардан сўнг Тошкент шаҳар прокурори Баҳриддин Валиевдан фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича 2005 йилда қилинган ишлар хусусида сўрадим.

— *Мазкур йўналишдаги фаолиятимиз «Прокуратура тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар, Бош прокурорнинг бу борадаги буйруқлари талабидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилиб, муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.*

*Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили Тошкент шаҳар прокуратураси органларига жами 20.239 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг 31,8 фоизи бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал этилган. 13,4 фоизи қаноатлантирилган.*

*Фуқаролар ва юридик шахслар вакилларини доимий равишда қабул қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

— Баҳриддин ака, менимча, ҳамшаҳарларимиз томонидан прокуратурага мурожаатлар сонининг йил сайин ортаётганини икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ошмоқда. Улар ўзлари дуч келаётган муаммоларга бир замонлардаги каби қўл силтаб қўя қолмай, ваколатли идоралар орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўникмасини ўзлаштириб бораяптилар.

Иккинчидан эса, аҳоли орасида прокуратура жазоловчи орган эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳимоячиси деган тушунча мустаҳкамланмоқда. Шундай эмасми?

— *Умуман олганда гапингиз тўғри. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор, яъни шаҳар прокуратурасига мурожаатлар сонининг ортиши жойлардаги прокурорлар томонидан Республика Бош прокурорининг 37-буйруғи етарлича бажарилмаётганидан ҳам далолат беради.*

*Фуқаро прокуратура эшигини қоқиб келибдими, унинг дарди, ўзига яраша муаммоси бор. Унинг мурожаати эътиборсиз қолмаслиги керак. Яна қайтариб айтаман, бу йўналишдаги фаолиятимизда энг муҳими эътибор.*

Яна шунинг гувоҳи бўлдимки, бу ерда ҳар бир аризачининг муаммосига масъулият билан ёндошилади. Яъни, «ҳеч ким бир даргоҳдан норизо бўлиб кетмасин». Чунки ҳар бир аризачи энг аввало инсон. Унинг ҳуқуқлари эса ҳамма нарсадан устун. Қонун шуни талаб қилади.

Мақола бошида айтганимдай прокурорнинг қабулида иштирок этишдан мақсадим одамлар нега ариза ёзадию, нега шахсан прокурор билан учрашиш ниятида келадилар деган саволларга жавоб топиш эди. Жавоб топдим: бугун замондошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун билан ҳимояланишини англаб олган ва прокурор тимсолида қонунларнинг муросасиз ҳимоячисини кўрмоқдалар.

**Шавкат ЁДГОРОВ,**
**«Huquq» мухбири**



# Икки миллион сўм... бир, икки, уч... сотилди

Фарғона шаҳрининг рамзий дарвозасидан кираверишда, магистрал йўлнинг икки четида дала ва боғлар уй ва томорқаларга туташиб кетган Ёрмозор қишлоғи бугун шаҳар ҳудудига киради. 1990-йилларнинг бошида фуқароларга томорқа ажратиб берилиб, экин майдонлари салмоқли қисқарган шу номдаги мўъжазгина ширкат хўжалиги деҳқонлари боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик билан шуғулланишади. Марғилонсой соҳилларида, сув муаммоси туғилмайдиган унумли ерларда, парникларда етиштирилган турли-туман сархил мева ва сабзавотларни йил-ўн икки ой ҳамшаҳарларининг дастурхонига тортиқ қилишади. Сойнинг машҳур шаршараси ёнида чойхона, дўконлар, «Ёрмозор» ширкат хўжалиги бошқарувининг идораси. Одатда қиш ойлари ҳувиллаб қоладиган идорада бу мавсум ҳар куни одам аримайди. Идора айвонидаги кўргазмада ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисидаги қарордан тортиб, янги боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ташкил этиш танлови, боғларнинг кимошди савдоси қонун-қоидалари, унда иштирок этувчи ширкат аъзоларига қўйиладиган талаблар, фермер хўжаликлари учун ажратилаётган ер ва боғларнинг чизмалари акс этган. Танловда бевосита ширкат хўжалигида ишлаган, пай эгаси бўлган ҳар бир деҳқон иштирок этиши мумкин. Ширкатни тугатиш ва фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссиясининг раиси Фарғона шаҳар ҳокимлиги бўлим бошлиғи Холматжон Турғунов танловга оид саволларга тегишли қарор ва низом доирасида батафсил жавоб беради. Фуқаролардан бирининг боғ кўчатларини бир пайтлар ўзи экиб парваришлагани, лекин кимошди аризасини қабул қилишмаётгани тўғрисидаги эътирозига жавобан қонун-қоидага кўра аукционда фақат ширкат аъзолари, пайчиларнинг қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, илгари ширкатда меҳнат қилган, ҳозир аъзоликдан чиқиб, бошқа соҳада ишлаётганлар эса айрим контурларга умуман ёки бир кишидан ортиқ талабгор чиқмасдан очиқ савдога қўйилганда иштирок этиши мумкинлигини атрофлича тушунтиради. Тендер мевали боғларнинг кимошди савдоси билан бошланади. Майдони бир гектардан тортиб икки ярим гектаргача бўлган тўққизта контурдаги боғлар савдога қўйилган. Ҳар бир боғ бўйича савдонинг вақти-соати белгиланган. Бугун тўртта боғнинг савдоси ўтказилмоқда. Ширкат идорасининг мажлислар залида тугатиш комиссияси аъзолари, котиб ва кузатувчилар, танловга ариза берган, боғнинг дастлабки баҳосининг ўн фоизини тўлаб, аукционда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган учта талабгор жойларини эгаллашади. Комиссия раиси талабгорларни таништириб, аукцион шартларини яна бир бор эслатиб ўтади. Талабгорлар ҳар гал бошланғич баҳони беш фоиз (103.000 сўм) миқдорда ошириб боришлари мумкин.

— Учинчи лойиҳа бўйича 1,8 гектарлик боғ савдосини бошлаймиз, — дейди аукцион жарчиси, Ёрмозордаги 30-ўрта мактабнинг директори Илҳомжон Миркаримов. — Бошланғич баҳоси 2.065.717 сўм... Бир... 2.168.000 сўм! Бир, ким оширади, икки, ким оширади, уч!

Илҳомжон ёғоч болғачани минбар четига уриб эълон қилади:

— Сотилди!

Шу тариқа дастлабки савдода қатнашаётган Абдумажид Ҳакимов, Абдуҳошим Ҳожиалиевлардан уч поғона юқори нархни қўйган, рақиблари ундан оширолмаган Йигитали Остонақулов ғолиб деб топилади. Бошқа талабгорларга аукционда қатнашиш учун тўлаган гаров пуллари қайтариб берилади. Шу куни юқоридаги йўсинда яна иккита лойиҳа бўйича боғлар аукционда сотилди. Бир кишидан ортиқ талабгор чиқмаган лойиҳанинг савдоси кечиктирилди. Агар шунда ҳам бир кишидан ортиқ талабгор чиқмаса, очиқ савдо эълон қилиниб, унда ширкат аъзоси бўлмаган фуқаролар ҳам омадларини синаб кўриш имконига эга бўлишади.

Шаҳарнинг жанубидаги Фарғона тумани ерлари олисдан мовий тусда кўзга ташланиб турувчи Олой тизма тоғи этагига бориб тақалади. Шаҳар чегарасидаги ерларни Т.Шодиева номли ширкат хўжалиги деҳқонлари боғ-роғларга, узумзорларга айлантиришган. Уларнинг аксарияти бу ерларда боғдорчилик фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича танловда қатнашаяпти. Боғ ва узумзорларнинг дастлабки савдосида бешта лойиҳа аукционга қўйилган. Комиссия аъзолари, талабгорлар хўжаликнинг мажлислар залига кириб келишади. Собиқ ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Муроджон Мамажонов барча талабгорларга омад тилайди. Кимошди савдоси бўйича махсус комиссия раиси Валижон Собиров бугун савдога қўйилган лойиҳалар, уни ўтказиш тартиби билан таништиргач, аукциончи Турсунали Меликўзиев нархи баланд 100-лойиҳанинг талабгорлари ўртасида савдони бошлайди. 48-лойиҳа бўйича савдо айниқса қизғин ўтди. Уч талабгордан иккитаси нархни 305 мартагача оширишди, ҳар гал боғ умумий баҳосининг беш фоизи миқдорида. Ниҳоят, бошланғич баҳоси 1.375.000 сўмлик 7 гектар шафтолизорни Алишер Умаров салкам 27.000.000 сўмга сотиб олди. Аукционнинг барча қатнашчилари ғолибни қутлаб, бошлаган ишига барака тилашди. Ҳар иккала аукцион ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада бенуқсон ўтказилди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

***Ўтган йили қиш анча илиқ келган, бир-икки марта қор ёғиб, ўша кунлариёқ эриб кетган эди. 9 январ куни Шуҳратжон тезкор тергов гуруҳи таркибида Қиргули шаҳарчасининг кунботар тарафи, халқ «Пеликан» деб атайдиган даҳа — кўп қаватли уйлар ортига, катта йўлнинг нариги томонидаги далага етиб борди. Чамаси бир чақиримча ичкарироқда 9-10 яшар қизчанинг жасади юзтубан ётарди. Сочларида қон қотган, боши мажақланган, юзи нам, юмшоқ тупроққа бир энлик ботган эди. Қизча ярим яланғоч, бир қарашдаёқ зўрлаб номусга тегиш аломатлари кўзга ташланарди. Уни шу ерда ўлдиришганми ёки бошқа жойда ўлдириб ташлаб кетишганми? Теварак-атрофни диққат билан кўздан кечириб, жиноят қуроли — 6 килолик қон юқи тошни топишди. Етти қадамча қуйироқдаги кўчириб олинган тош ўрни бу саволга аниқлик киритди. Қизалоқни шу ерда зўрлаб, ўлдиришган. Тергов гуруҳи таркибида воқеа жойини кўздан кечираётган тажрибали ходимлар ҳам қизалоқнинг номусига тегиб, сўнгра ушбу жиноят изини йўқотиш учун тош билан бошига уриб ўлдирган ваҳшийни тасаввур қилишдан ожиз эдилар. Уч йил аввал юридик институтни битириб, Тошлоқ туман прокуратурасида иш ўргана бошлаган, икки йилдан буён аввал Қиргули тумани, кейин Фарғона шаҳар прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаётган Шуҳратжон Мусаев фикрини жамлаб, яйдоқ даладан қотилни топишда асқотадиган бошқа жиноят изларини астойдил қидирди. Зеро, устозлари Бахтиёржон Маматов ва Муҳаммадамин Тешабоев (ҳозир вилоят прокуратурасида хизмат қилишмоқда) таъкидлашганидек, туйғуларга эрк бериш ишга тўсқинлик қилади холос...***



# Қотилнинг фотороботи

**А**ввало қизалоқнинг кимлигини аниқлаш лозим эди. Йўл бўйидаги кўп қаватли уйларнинг хонадонларидан суриштиришга киришишди. Жасад топилгани тўғрисида тарқалган гап-сўзлар қулоғига чалинган бир аёл дала томонга ўтди.

— Қизим Анфиса кечадан бери йўқ...

Жасадни кўрган Е.Бобинанинг хуши бошидан учди.

Шаҳар прокурори Шуҳратжонни тезкор гуруҳга раҳбар этиб тайинлади. Қотил ақли норасо қизалоқни далага олиб бориб, зўрлаб номусига теккан, жинояти фош бўлишидан қўрқиб уни ўлдирган деган тахмин бўйича суриштирув бошланди. Шу даҳадаги милиция пункти тергов гуруҳининг штабига айланди. Шуҳратжон тезкор вакиллар — шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари Ғ.Акрамов ва Д.Қодировларга яқин атрофдаги кўп қаватли уйлар, биринчи навбатда Е.Бобина яшайдиган ётоқхонада яшайдиганлардан бирма-бир сўраб-суриштириш ҳақида топшириқ берди. Ўзи эса марҳумнинг онасини сўроқ қилди. Унинг сўзларига қараганда Анфиса тўққиз ёшга кирган, руҳий касал бўлгани туфайли мактабда ўқимайди. Унинг ўзи ошхонада ишлайди. Эрталаб ишга кетиб, кеч соат ўн иккиларда қайтади. Қизини уйда қолдириб, эшикни қулфлаб кетади. Тушлик ва кечки пайтлари келиб овқатлантириб, яна ишга жўнайди. Ўша куни ҳам кечки соат олти-еттиларда қизини овқатлантириб ошхонага борган. Ярим тунда қайтса, эшик қулфини ташқаридан бузиб очишибди, қизи, қозон-товоғи, яширган жойида ўн беш минг сўм пули йўқ. Қўшниларидан суриштирган, қизи доим ўйнаб юрадиган жойларни бориб кўрган, эрталаб участкавойга учраган, бўлган воқеани айтиб берган. Жабрланувчининг гувоҳлиги бўйича хонадонга номаълум шахс ўғирликка кирган ва қизалоқни ўзи билан олиб кетган бўлиши мумкин эди.

Экспертизанинг дастлабки хулосасига кўра қизалоқ саккизинчидан тўққизинчи январга ўтар кечаси тахминан соат ўн билан ўн иккилар орасида, бошига тошда уриб етказилган жароҳатдан вафот этганди. Ана шу вақт оралиғида қизчани сўнгги бор ким ва кимлар билан кўрган? Ётоқхонага кираверишда эшикбон ўтиради. Лекин ундан тайинли бир гап чиқмади. Айтишича, қизчага кўзи тушмаган, ётоқхонага бегона кишилар кирганини кўргани йўқ. Зарурат туфайли иш жойини тарк этганда кириб-чиққан бўлишлари мумкин. Ўша тунда шу ердаги милиция пунктига ўзаро жанжаллашган икки аёл келган. Участкавойни кутишаётганда икки нотаниш маст йигит ёнларига бориб гапга солишган. Қоронғилиги учун аёллар уларнинг юзларини яхши кўришолмаган.

Бири новча, бақувват, бирининг бўйи пастроқ. Бирпас гаплашиб туриб, қоралари ўчган. Калаванинг учи топилгандай эди. Хонадонма-хонадон суриштириб юрган тезкор ходимлар уй эгаларидан кечкурун иккита маст кишига кўзи тушган-тушмаганини сўрашди. Табиийки, қиш кунлари бундай пайтда қарийб ҳамма иссиқ ўрнида ётган бўлади. Жавоблар бир хил, «ухлагани ётганман, билмайман». Ортиқ суриштиришнинг фойдаси йўқдай эди. Аммо... Қизалоқ онаси билан яшаган ётоқхонанинг рўпарасида, беш қаватли уйдаги хонадонлардан бирида яшовчи Маликахон Махсумова эътиборга молик кўрсатма берди. У ўша кеча соат ўн бирларда подъездда шовқинни эшитиб ўрнидан турган, эшик кўзидан ташқарига қараган. Эшикни уриб, сўкинаётган икки нотаниш кимсадан ким керак деб сўраган. Бўйи новчароғи зинадан пастга юрган. Шериги салом бериб, Дилҳаётнинг уйини сўраган. Нариги подъездда деганидан кейин у ҳам пастга тушиб кетган. Маликахон тунда нимага изғиб юришибди деган ўйда ошхона деразасини очиб уларнинг ортидан кузатган. Иккаласи уйнинг ўнг тарафидаги подъездга юришгач, деразани ёпиб жойига кириб ётган.

«Ўн дақиқалардан кейин ташқарида яна шовқин эшитилди, — дейди М.Махсумова. — Яна ошхона деразасидан ташқарига қарадим. Тўрт метрча нарида столба ёнида ҳалиги болалардан бири кичкина қизчага «юр, уйингга опкириб қўяман» деяпти. Уларнинг гапига қулоқ солиб, «Саша, Саша» деб чақирдим. Ҳалиги бола юқорига қараб: «Обшежитда турарkan, уйингга опкириб қўяй десам кўнмаяпти», — деди. Мен: «Анфиса, уйингга кириб ёт», — дедим. Қайсарлик қилавергач ҳалиги йигитга: «Участкавойга айтинг, Анфисани билади, уйига опкириб қўяди», — деб тайинладим. Анфиса: «Бўпти, хола, мен уйимга кетдим, ҳозир аям келади», — деди. Нотаниш йигит уни етаклади. Орадан ярим соат ўтиб шериги пайдо бўлди. Атрофга аланглаб, ўртоғини топмай юқорига қараб юрди. Уларни эслаб қолганман, кўрсам танийман». М.Махсумова шундай деб иккала йигитнинг юз тузилишини батафсил тасвирлаб берди. Унинг оғзаки тасвири бўйича фотороботлар тайёрланди. Бирининг бўйи тахминан 180-185 сантиметр, гавдали, юзи чўзинчоқ, қорача, кўзлари катта, сочлари калта олинган. Шериги буғдойранг, бўйи 170-175 сантиметр, озғиндан келган эди. Штабга номаълум шахслар сўраб юрган, қўшни подъезддаги хонадонда турувчи Дилҳаётни таклиф қилишди. Лекин у ўша кеча ухлаб ётган, эшикни акаси Дилмуроджон очиб, нотаниш кимсалар билан гаплашган эди. «Эшикнинг тақиллашидан чўчиб уйғондим, — деди у. — Коридорга чиқсам иккита маст худди ўз уйидагидай эшикни очиб киришди. Аччиғим чиқиб ҳайдадим. Улар Дилҳаётни сўрашганида уйда йўқ дедим». Тергов гуруҳининг раҳбари Шуҳратжон Мусаев Дилҳаётга фотороботларни тутқазди. «Танишларингиз, диққат билан қаранг» деди.

— Бунисини танимайман, — деди гувоҳ. — Манави Алижонга ўхшайди. Ҳа. Алижон Жўраев...

— Қаерда яшайди?

— Марғилонлик. Янги Фарғона кўчасида уйлари...

Уйдагиларнинг айтишича, у 8 январ куни опамникига бораман деб кетганича қайтмаган эди. Тергов гуруҳининг ходимлари А.Жўраевнинг опаси Ҳафизахон Хонбобоеванинг Қиргули туманидаги квартирасига йўл олишди. Хонадон бекасининг гапига кўра, 8 январ куни Алижон олтиариқлик ўртоғи Умид билан қариндошлари Муроджоннинг уйида ўтиришган, тунда келиб ётиб ухлашган. Эрталаб чой ичиб чиқиб кетишган, уларни шундан кейин кўргани йўқ. Ҳафизахоннинг уйи тинтув қилинганда сиёҳранг қоғоз халтада икки кило картошка, битта эски жомча топилди. Булар жабрланувчи Е.Бобинанинг уйидан ўғирланган нарсаларнинг қолдиғи эди. Пичоққа илинадиган бошқа буюмларни эса Умид бозорга олиб бориб сотганди. Тергов мобайнида Алижон билан Умид Қирғизистоннинг Қадамжой шаҳрига қочиб яширинишгани маълум бўлди. Улар жиноят иши қўзғатилганининг учинчи куни — 12 январда ўша ердан ушланиб келтирилди.

Шуҳратжон Мусаев ҳар икаласини айбланувчи тариқасида ишга жалб этди. Алижон Жўраев йигирма тўққиз ёшга кирган, икки фарзанди бўлиб, ҳеч қаерда ёлчитиб ишламаган эди. Асли олтиариқлик, ўттизга кирган, илгари судланиб уч йил ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, бироқ жазони ўташдан бўйин товлаб юрган Умид Зокиров бўйдоқ бўлиб, мардикорлик билан кун кечирар, Алижоннинг опаси Ҳафизахоннинг уйида ижарада ётиб юрарди. Аввалига иккаласи ҳам қилмишини тан олгиси келмади. Бироқ жиноят иши бўйича йиғилган далиллар, гувоҳларнинг шоҳидликлари тилларини ечди.

— Ўша куни кечки пайт Қиргулида Алижоннинг Муроджон деган қариндошининг уйида уч-тўрт улфат ўтирдик, — деди айбига иқрор бўлиб У.Зокиров. — Солижон Тўлқин билан уйларига — Марғилонга жўнашди. Алижон Дилҳаётникига борамиз деб туриб олди. У уйида йўқ экан, подъезддан чиқаётсак рўпарадаги домнинг биринчи қаватида бир қиз нимадир деб чақиргандай бўлди. Ёруғ деразасининг панжарасини ушлаб пойдеворига чиқиб қарасам, кичкина қиз, уйида ҳеч ким йўқ. Гаплари алмойи-жалмойи. Али билан айланиб, уйнинг олди тарафига ўтдик.

Ётоқхона, мелисахонанинг олдида икки рус аёлини гапга солиб ичкарига кирдик. Қизча турадиган уйнинг эшиги устидан қулфланган экан. Қулфни бузиб кирдик. Қўлга илинган нарсаларни олаётганимизда қизча тегманглар деб йиғламсиради. Қоп-қоронғи, ҳамма ухлаётган эди. Нарсаларни олиб ташқарига чиқдик. Алижонга нарсаларни бериб, опасининг уйига жўнатвордим. Ўзим изимга қайтдим. Ҳалиги уйдан олган ўн беш минг сўмча пулга шу яқиндаги дўкондан арақ олиб ичдим. Яна ётоқхона тарафга юрдим. Болалар майдончасида ҳалиги қиз ўйнаётган экан. Мастликда феълим айниди. Юр деб уни судраётсам, нариги домнинг иккинчи қаватидан бир аёл овоз берди. Овозидан биз адашиб чақириб Дилҳаётнинг уйини сўраган хотинга ўхшади. Унга қизни уйига ташлаб қўяман дедим. Кейин йўлни кесиб ўтиб, уни дала ичига бошладим. Ерга ётқизиб ечинтирдим... Чинқирганида кайфим учди. Юзини ерга босиб бўғдим. Туриб кетаётсам қимирлаб, судралди. Қўлимга илашган тош билан бошига солдим...

— Нарсаларни олиб, опамнинг уйига бориб ётганман, — деди А.Жўраев. — Эрталаб уйғонсам, ёнимда Умид ётибди. У нарсаларни бозорга олиб бориб сотиб келди. Чой ичиб ўтирганимизда жияним келиб, «обшежитда бир қизчани ўлдиришибди, ахтаришаяпти» деди. Умиднинг ранги оқариб, нафаси ичига тушди. Айтмаса-да, у қилганини сездим. Мениям шериги деб қамашса... Қадамжойга бориб яширинмоқчи бўлдим. Умид менга эргашди...

Фарғона шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси Шуҳратжон Мусаев бошчилигидаги тергов гуруҳи ходимлари мавҳум ҳолатда содир этилган, очилиши даргумондай туюлган ўта оғир жиноятни малакали тергов қилиб, уч кунда жиноятчиларни фош этишди.

Судда хонадонга ўғирликка кириб, норасида қизнинг номусига тегиб, жиноят изини яшириш мақсадида уни ўлдирган У.Зокировнинг айби тўлиқ исботини топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига тайинланди. У билан бирга ўғирликка кирган, қизчанинг ўлдирилганини билиб оғир жиноятни яширган А.Жўраев ҳам тегишли жазосини олди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**



## Чегарада чигал муносабатлар

Молдова ҳамда Приднестровье раҳбарлари ўртасидаги низо тобора чигаллашмоқда. Молдова президенти Владимир Воронин миллий телевидение орқали чиқишида Украина ва Приднестровье чегарасидаги можарога Тирасполь раҳбарлари айбдор деб баёнот берди. Унинг сўзига кўра, Приднестровье раҳбарлари ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан шуғулланган. Чегарада эса уларнинг ноқонуний юклари Украина божхоначилари томонидан ушлаб қолинган ва махфий йўл ёпиб қўйилган. 3 мартдан бошлаб Украина янги божхона қоидаларини жорий қилди. Унга кўра, энди Украина чегарасидан фақатгина Молдова божхона хизматида расмийлаштирилган юклар ўтиши мумкин. Ўз навбатида Приднестровье ҳукумати бу ҳаракатни Украина ҳамда Молдова томонидан амалга оширилган иқтисодий қамал деб эълон қилди.

## Яна фалокат

Москвадаги «Басманная» бозорининг томи қулаб тушиши оқибатида 62 киши ҳаётдан кўз юмганди. Шаҳар маъмурияти бир фожеа асоратларини бартараф этмай туриб, иккинчисига йўлиқди. Якшанба куни Москванинг яна бир бозори «Отрадное» томининг бир қисми қулаб тушди. Хайрият, бу сафар қурбонлар бўлмади, том бўлаклари яқин орада турган автомашиналарга шикаст етказди. Дастлабки маълумотларга кўра, бозор томи қор оғирлигига бардош беролмай қулаган. Айни дамда тергов давом этмоқда.



## Сабаблари аниқланмоқда



Инсониятга қарши жиноятларда айбланган Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ўтган ҳафта жума куни юрак хуружи туфайли оламдан ўтди. Милошевич сўнгги йилларда Гаагадаги халқаро трибунал қамоқхонасида сақланган эди. Бир неча йил давом этган трибунал Милошевичнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатгани аниқ. Шифокорларнинг айтишича, охирги пайтларда собиқ президент бир нечта касалликлардан азият чеккан. Бироқ унинг оила аъзолари Милошевич заҳарлаб ўлдирилган деган тахминни илгари сурмоқда. Гаагадаги халқаро трибунал маъмурияти бу борада суд экспертизаси олиб борилаётганини маълум қилди.



## Муаммога ечим керак

Эронда ядровий изланишлар олиб борилиши борасидаги муаммога ҳамон барҳам берилгани йўқ. Эрон ҳукумати Россияда уран моддасини бойитиш тўғрисидаги битимдан тўла воз кечмаган. Бироқ, бунинг учун Эрон ўз ҳудудида ядровий изланишларни олиб боришга рухсат берилишини талаб қилмоқда. Лекин Россия томони Теҳрон МАГАТЭнинг барча талабларига риоя қилгандагина қўшма корхонани ташкил қилиш борасида музокараларни давом эттириш мумкинлигини таъкидлаяпти. Эрон ташқи ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Ризо Асифийнинг гапига қараганда тез орада мазкур муаммони ҳал этиш борасида музокараларнинг янги босқичини ўтказиш режалаштирилмоқда.

## Мустақиллик тан олинади



Тоғли Қорабоғ муаммоси ҳамон ечилмай қолмоқда. Ўтган ой Францияда ўтказилган музокара ҳам ҳеч бир самара бермади. Музокарада бирбирини айблаган Озарбайжон ҳамда Арманистон раҳбарлари бир ой давомида нима қилишни кўп ўйлаган бўлсалар керак. Биринчи қадам Арманистон томонидан ташланди. Ўтган ҳафтада мамлакат президенти Роберт Кочарян Арманистон Тоғли Қорабоғ мустақиллигини тан олишга тайёр эканини билдирди. Мазкур масала юзасидан баёнот берган Кочарян агар Озарбайжон ҳукумати билан ушбу масала юзасидан режалаштирилган навбатдаги музокара яна самарасиз ўтса, у ҳолда Арманистон Тоғли Қорабоғнинг мустақиллигини тан олиб, у билан бир нечта давлатлараро ҳужжатларни имзолашини айтди. Мазкур битимлар орасида мудофаа соҳасига доир шартнома ҳам бўлади. Улардан бири Арманистон Тоғли Қорабоғнинг хавфсизлигини таъминлашига доирдир. Яъни ушбу янги республикага раҳна солган ҳар қандай давлат Арманистоннинг ҳам душмани саналади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур ҳудуд юридик жиҳатдан аслида Озарбайжонга тегишли бўлиб, 1990-йилларнинг бошида Арманистон уни босиб олган эди.



## Низоли кўрсатув

Италия бош вазири Силвио Берлускониннинг «RAI 3» телеканалига берган интервюси катта жанжалга сабаб бўлди. Кўрсатувни олиб борган журналист Лючия Аннунциата амалдаги ҳукуматнинг мухолифлари тарафдорларидан бўлиб, бош вазирни унга манзур бўлмаган кўплаб саволлар билан кўмиб ташлаган. Бошловчи Берлускониддан нима сабабдан АҚШнинг Ироққа нисбатан қилган ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганини сўраганда, Берлускони бунга аниқ жавоб бера олмади ва АҚШ президенти Буш билан ўрталаридаги муносабат ҳақида гапиришдан бош тортди. Маълумки, Италия халқи Ироққа нисбатан қилинган ҳарбий ҳаракатларни қоралаб чиққан. Шунингдек, Италиянинг таниқли ишбилармонларидан бири бўлган Берлускони иқтисодиёт соҳасидаги ўзининг саъй-ҳаракатлари борасидаги саволга ҳам жавоб бермади. Саволларга жавобан бош вазир журналистни мазкур масалаларга бир томонлама ёндошаётганликда айблаб, студияни тарк этди.

## Қарс икки қўлдан



Россия Жазоирнинг 4,7 миллиард доллар миқдоридаги қарзидан воз кечди. Бироқ, қарс икки қўлдан деганларидек, ўзаро шартномага кўра Жазоир Россиядан воз кечилган қарз миқдорида маҳсулот сотиб олиши лозим. Мазкур шартнома Россия президенти Владимир Путиннинг Жазоирга қилган расмий ташрифи давомида имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Жазоир томонидан харид қилинадиган маҳсулотларнинг асосини Россияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғ ташкил этади. «Рособоронэкспорт» раҳбари Сергей Чемезовнинг таъкидлашича, сўнгги уч ой давомида Россия ва Жазоир ўртасида 7,5 миллиард доллар миқдоридаги қурол-яроғ савдоси борасида шартномалар имзоланган.

## Террорчилик хуружи



Ироқ пойтахти Бағдоднинг шиа мазҳабига мансуб кишилар истиқомат қиладиган ҳудудида террористик ҳаракатлар содир этилди. Садр-сити туманида жойлашган иккита катта бозор яқинида бир вақтнинг ўзида учта автомашина портлатилган. Мазкур террористик хуруж оқибатида 42 киши қурбон бўлган, 100 дан ортиғи жароҳатланган. Шунингдек, портловчи моддалар жойлаштирилган яна битта автомашина портлашининг олди олинган. Таъкидлаш керакки, Садр-сити АҚШга қарши курашаётган Ироқдаги шиалар марказидир. Мазкур ҳаракат Муқтадо ас-Садр деган шахс томонидан бошқарилади.

## Қотилга пистирма

НТВ телеканали журналисти Иля Зиминнинг ўлдирилиши юзасидан ўтказилаётган тергов давом этмоқда. Айни дамда журналистнинг қотили сифатида Молдова фуқароси Игор Велчев гумон қилинаяпти. Гап шундаки, журналист ўлдирилганидан сўнг Велчев жабрланувчининг қўл телефони орқали ўз акасига қўнғироқ қилган. Бу ҳаракати билан Велчев биринчи рақамли гумондорга айланган. Тезкор тергов ҳаракатлари боис Велчевдан гумон қилишга асос бўла оладиган яна бир нечта далиллар аниқланган. Ҳозир ҳуқуқ-тартибот органларининг фикрига кўра, Велчев Болгарияда яшириниб юрган бўлиши мумкин. Чунки унинг миллати болгар бўлиб, у ерда кўплаб қариндошлари бор. Шунингдек, у бир неча марта турли қўл телефонлари орқали яқинларига қўнғироқ қилиб, ўзининг қаерда эканлигини айтган. Маълумотларга кўра, Велчев ўтган ҳафта бошида Молдовада бўлган, лекин полициячилар уни ушлай олишмаган.

## Яширин қамоқхона

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан Европа давлатлари ҳудудида махфий қамоқхоналар ташкил этилганлиги борасидаги шов-шувлар тобора кучаймоқда. Якшанба куни «Россия» телеканалининг «Специальный корреспондент» кўрсатувида Украина ҳудудида ҳам шундай қамоқхоналар мавжудлиги тўғрисида сўз борди. Кўрсатув муаллифи Аркадий Мамонтовнинг фикрига кўра, у МРБ томонидан Украинада қурилган махфий қамоқхоналарни ўз кўзи билан кўрган шахслар билан мулоқот қилиб, ўзи ҳам қамоқхоналар мавжуд жойга сафар уюштирган. Мамонтовнинг ахборотига айтилишича, бундай қамоқхоналар Украинанинг Озёрний шаҳри четидаги ҳарбий гарнизон ичида жойлашган. Таъкидлаш жоизки, 2005 йилнинг декабр ойида Қиримда Украина президенти Виктор Ющенко ҳамда АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси директори Портер Госс ўртасида учрашув бўлиб ўтган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур учрашув чоғида нафақат ахборот алмашиш муаммолари, балки махфий қамоқхоналар масаласи юзасидан ҳам фикр алмашилганлиги эҳтимолдан холи эмас.



«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

## Сайлов яқин



Жорий йилнинг 19 мартида Беларусда президентлик сайлови бўлиб ўтади. Мамлакат ҳукумати мазкур жараён тинч ва осуда ўтиши учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда. АҚШ ҳамда Евроиттифоқнинг Беларусда мухолиф партияларнинг ҳуқуқлари чекланаётгани хусусидаги айбловларига жавобан ўтган ҳафта шанба куни мамлакат ташқи ишлар вазирлиги матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирлик вакили Андрей Попов АҚШ ва Европа Иттифоқининг бу борадаги ташвишлари ўринсизлигини, шунингдек, Беларуснинг ички ишларига аралашишга ҳеч кимга рухсат берилмаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. «Беларус ҳеч бир ташқи факторнинг мамлакат ички ишларига аралашишига йўл қўймайди, керак бўлса сайловда тартибсизлик ва келишмовчиликларни вужудга келтиришга уринган чет эл фуқароси мамлакатдан чиқариб юборилади. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар хусусида тўхталар эканман, уларнинг ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилмоқда», — деди ўз сўзига аниқлик киритиб А.Попов. 11 март куни Минскда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан мухолифатдаги «Зубр» ҳаракатининг тўрт нафар аъзоси ушланган. Уларга тартибсизликларни вужудга келтиришга тайёргарлик айблови қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур сайловда мамлакатнинг амалдаги президенти Александр Лукашенко учинчи бор ўз номзодини қўйган.

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бухоро вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошқарма бошлиғи Шухрат Алиризаевга қайнотаси

**Содиқ ЮСУПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

*Дилдаги гаплар*

**1963 йил эди. Кўрғонтепа туман прокуратурасида прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлардим. Бир куни иш билан бориб вилоят прокурори Аҳмаджон Шариповнинг ҳузурига кирсам, уч-тўртта масъул ходим ниманидир муҳокама қилишаётган экан. Кейин билсам Жалолқудуқ туман прокуратурасининг терговчиси Наби Абдуллаев тўсатдан вафот этиб, унинг қўлида бўлган жиноят ишлари материалларини қабул қилиш борасида гап бораётган экан.**

# Оқибат

— Мана, Раҳимовни ҳам комиссияга киритинглар. Тез бориб Абдуллаевнинг оиласи иштирокида сейфни очиб, бор нарсаларни рўйхат қилиб, акт тузиб келасизлар, — деди вилоят прокурори. — Иложини топиб марҳумнинг маъракасида ҳам қатнашинглар.

Жалолқудуққа етиб келдик. Бизни туман прокурори ва унинг ёрдамчиси кутиб олди. Сейфни очдик. Дастлаб диққатимизни қайсидир қурилишда бўлган камомад ҳақидаги жиноят иши тортди.

— Ҳа, — деди прокурор афтини буриштириб, — ўлиб кетар экансан, шу ишни тамомлаб кейин ўлмайсанми! Лағмондай тўрт ой чўзди!

— Шу ишнинг орқасидан қанча таъна ҳам эшитди, — деди тергов бўлими бошлиғи А.Азимов. — Уч кун аввалги муҳокамада қаттиқ ҳайфсан олган эди.

— Нега судради экан? — гапга аралашди шерикларидан бири. — Бир балоси бордир-да!

— Қаёқда, — деди А.Азимов ғазаб билан, — қорни нонга тўймай ўлиб кетди! Ҳалол одам эди.

Бу гапларни эшитиб юрагимгача музлаб кетдим. Наҳотки бу даргоҳда ишлаганларнинг охир-оқибат умри шундай тугаса, қадр-қиммати ерга урилса? Ҳатто ўлимидан сўнг ҳамкасблардан ҳеч бири «Худо раҳмат қилсин, яхши одам эди» дейишга ярамаса?

Ишни тамомлаб марҳумнинг Андижондаги уйига келдик. Шаҳарга кираверишда шерикларимдан уч киши ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб йўлда тушиб қолди. Марҳумнинг азасига икки киши кириб келдик. Деворлари нураб кетган оддий қишлоқ уйларидан фарқи йўқ эски уй. Кўзга кўринадиган анжомлар ҳам йўқ. А.Азимовнинг луқмасини эсладим, рост экан.

Қурилиш ҳақидаги жиноят ишининг терговини бошқа терговчи тугатди. Маълум бўлишича, бу иш буюртма билан бошланган экан. Катта миқдордаги қурилиш материалларини шахсий уйига ишлатиш учун талаб қилганда ПМК бошлиғи кўнмагани учун райком котиби унинг танобини тортиб қўйиш учун тафтишчиларни юборган... Кейинги терговда камомад тасдиқланмаган, фақат айрим камчиликлар учун «бошлиқ вазифасига совуққонлик билан қараган» деб айб қўйилиб, судга берилган.

...Прокуратура органларида салкам ўттиз беш йил ишлаб, 1996 йили пенсияга чиқдим. Чиқдим-у негадир ўша «қорни нонга тўймай ўтиб кетган» Абдуллаевни эслайдиган бўлиб қолдим. Менинг кейинги тақдиримга ҳам ўша одамнинг қисмати ёзилган бўлса-я? Мана энди менинг бировлар билан, бировларнинг мен билан иши йўқ. Ўзимни ҳовлидаги юмушлар билан овутмоқчи бўлдим. Бузилган деворни тикладим, бир томони қийшайиб кетган тандирни бузиб қайта қурдим, ўтинларни майдалаб боғлаб чиқдим. Бу ишлар бир кунда тамомланди. Хўп яхши, аммо эртага нима қиламан? Ундан кейинчи? Ҳовлининг бурчагига бориб мунғайиб ўтириб қолдим. Бирдан юрагим санчиб оғриди. Дунё торайиб қолгандай эди. Ҳа, мана сенга «қарилик гашти»!

Тушкунликка тушиб юрганимда бир куни ҳовлимизга туман прокурори Бахтиёржон Йўлчиев шўх-шодон кириб келди.

— Ассалому алайкум, ота! — деди у совғаларни қўлимга тутқазиб. — Мана бу табрик ҳам Бош прокуроримиз Рашитжон Қодировдан!

Ҳали ҳам бўлиб ўтаётган воқеаларга ишонмасдим! Кўзларимдан тирқираб ёш қуюлди. Қаранг-а, бир кўнгли ўксиб турган собиқ ходимини Бош прокурорнинг ўзи вақт топиб табриклаяпти!

...2006 йил 20 январ куни 70 ёшга тўлдим. Бу санани нишонлаш учун болаларим, келинларим ва невараларим йиғилди. Ташқаридан меҳмонлар келишди деб қолди. Чиқдим. Қаршимда Республика Бош прокуратурасининг вакили Маркс Шарафиддинов, Андижон вилоят прокурори Баҳодир Деҳқонов, фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши раиси Тоҳир Саидаҳмедовлар совға-салом билан туришарди. Шу кун ҳаётимда энг унутилмас қувончли кун бўлди! Меҳр-оқибат бўлса шунчалик бўлар!

Бундан анча йиллар аввал янаги наврўзга етиб боролмасам керак деган ўй миямга урилган эди. Шундан буён тўққизинчи наврўзни кутиб оляпман. Ҳар йили наврўзда, янги йилда, конституция байрамида Бош прокуроримиздан, вилоят прокуроридан табрик хатлари олиб турибман.

Шундай пайтларда қалбим қувончга тўлади. Биздай кекса ҳамкасбларини эъзозлаётган инсонлар доим бор бўлсин!

**Назиржон РАҲИМОВ,**
**прокуратура фахрийси**

*Ўқинг, қизиқ*

# Ажабтовур қонунлар

**Пенсилванияда, масалан, қоронғида қишлоқ йўллари бўйлаб машинасини бошқариб бораётган ҳайдовчилар ҳар километрда машинани бир тўхтатиб, осмонга мушак отиб, сўнг ўн дақиқадан кейин яна машинасини ҳайдаб кетиши лозим. Бунда у албатта йўлларда уй ҳайвонлари ёки қандайдир бошқа жониворлар сандироқлаб юрмаганлигига мушак ёруғида амин бўлиши шарт. Жанубий Каролинада эса от ёки эшак қўшилмаган ҳар қандай улов эгаси чорраҳага 30 метр қолганда уловини тўхтатиб, милтиқдан осмонга қарата бир марта ўқ узиши ва фақат шундан кейингина йўлида давом этиши керак.**

**Қуйидаги қонунлар ажабтовурлиги бўйича ҳайдовчилар тўғрисидаги қонунлардан қолишмайди. Шимолий Дакота ва Оклахомада фуқаролар ухлашдан олдин оёқ кийимини ечиши керак. Бу қонун бундан 200 йил илгари ароқхўрлар ва борар жойи ва ишхонасининг тайини бўлмаган такасалтангларга қарши кураш мақсадида қабул қилинган. Энди тасаввур қилинг, ароққа тўйиб, йўл чеккасида думалаб қолган, аммо «бутунлай ўчиб қолишидан аввал» бир амаллаб пойабзалини ечишга улгурган пиёнистани полиция ароқхўр сифатида ушлаб кетолмайди, бунга ҳаққи йўқ, чунки бу одам «ётишдан аввал оёқ кийимини ечган». Оклахомада яна дайди итлар учта ёки ундан кўпроқ бўлиб тўпланиши мумкин эмас, чунки бунинг учун шаҳар маъмуриятининг махсус рухсатномаси бўлиши талаб этилади.**

**Алабама, Аризона ва Жоржия штатларида фуқаролар уйидаги ваннада эшак сақлаши, Арканзасда эса тимсоҳ сақлаши таъқиқланади. Жоржияда жирафаларни йўл четидаги электр столбаларига боғлаш, аёлларнинг эса сартарошхонада сочи қуритилаётганда ухлаб қолиши ман этилади.**

**Мичиган штатида ҳам жуда қаттиқ қонунлар мавжуд экан. Бу ерда радиоаппаратларни қасддан бузиш, матч ўтказилаётган пайтда ўлик ёки тирик саккизоёқларни хоккей майдонига ташлаш ҳамда океанда чўмилаётган пайтда овқатланиш ман этилади. Вермонт ҳамда Ғарбий Виржинияда эса сув остида ҳуштак чалиш ҳам таъқиқланган. Океанга етиб бориш учун самолёт билан икки-уч соат учиш лозим бўлган Небраска ва Оклахома штатларида кит овлашни ман этадиган қонун чиқарилган. Ажабтовурлик борасида Молайна шаҳар кенгаши чиқарган қонун юқоридагилардан ҳам ўтиб тушади. АҚШнинг энг иссиқ штати ҳисобланадиган Иллинойс штатида чиқарилган бу қонунга кўра шаҳар кўли музи устида 1 июндан 31 августгача конки учиш ман этилади. Луизана штатида эса келишолмай қолган одамлар бир-бирини тишламаслиги керак. Тишлаган шахснинг тиши ясама бўлса, унинг жинояти оғирроқ ҳисобланади. Огайо штатида ёш боласини кўчада эмизган аёллар қамоққа олинади. Қаранг, бу ҳаракат фоҳишаликнинг бир кўриниши деб ҳисобланаркан. Ёлғиз бир аёл уйига яна тўртта аёлни ижарага қўйиб яшаса ҳам у исловотхона очган деб ҳисобланиши мумкин. Эркакларга эса анча-мунча енгилликлар кўзда тутилган. Қонун бўйича бир уйда 120 тагача эркак истиқомат қилиши мумкин, аммо ундан ошмаслиги керак.**

**Йўлдош ПАРДА тайёрлади**



# ТАБАССУМ

**Бир файласуф саҳрода айланиб юрган экан, қараса бир йигит ўқ отмоқда ва ўқлари нишонга етмасдан ўнгу сўлга кетмоқда экан.**

**Файласуф ўқ тегишидан қўрқиб, нишоннинг олдигинасига ўтириб олибди ва дебди:**

**— Шу ердан хавфсизроқ жой йўққа ўхшайди. Чунки унинг ўқи ҳеч қачон нишонга тегмаслигига аминман.**

☺ ☺ ☺

**Зулфияни бир аёл эркалаб ўпди-да:**

**— Мунча ширинсан, қизим, — деб бурнини чимчиб қўйди.**

**Ўзига эътибор берилмаётгани Фарҳодга алам қилди. «Ҳозир боғчада шоколад еб келди-да», — деди у аёлга хўмрайиб.**

☺ ☺ ☺

**Афанди ўртоғи билан гап қовушмай осмонга қараб келаётган экан, рўпараларидан қози чиқиб қолибди.**

**— Хўш, Афанди, нима қилиб келаяпсиз?**

**— Юлдуз санаб келаяпман.**

**— Ҳозир юлдуз санаганга солиқ солинадиган бўлган. Қанча санадингиз?**

**— Элликта.**

**— Беш сўлковойни чўзинг-чи.**

**Афанди жаримани тўлаб, қозидан узоқлашгач, шеригига дебди:**

**— Бопладим. Аслида 350 та юлдуз санаган эдим.**

*Ҳажвия*

# БАХТЛИ БЎЛИНГ

Таҳририятга келган хатларни кўздан кечираётиб, бош муҳаррир Саломат Сафиевна чекка бир қишлоқлик чўпон йигитнинг ҳажр ўтида қовжираган қалб дардлари тўкилган мактубини ҳижжалаб қолди.

«Менинг касбим чўпонлик, — деб бошлабди мактубини Н. исмли йигит. — Бир томони уфққа туташиб кетган чўлда қўй-қўзиларни боқаман. Яхши яшашим учун ширкат хўжалиги барча шароитни қилиб берган, нолимайман. Лекин мени бир дард қийнайди. Мактабда ўқиб юрганимда бир қизни севиб қолгандим. Уни шундай севардимки, қулоқ пардаларига озор етмасин деб бирор оғиз гапирмаганман. Кўзининг нури сўнмасин деб кўзига тик қарамаганман. Қўли кўкармасин деб бирор марта қўлидан ушламаганман. Ана шундай авайлаганман уни. Афсуски, бу бевафо яқинда севган йигитига турмушга чиқиб кетибди. Тўйи бўлиб ўтган кунлари мен чўлда эдим, қишлоққа бир иш билан келганимда эшитиб қолдим.

Ҳурматли редакция ходимлари, менга маслаҳат беринглар, нима қилай? Севгимдан воз кечайми ёки севгим учун курашайми? Салом билан Н.».

Бу мавзудаги мактублар таҳририят учун хос эмасми, бош муҳаррирнинг бир туки ҳам қилт этмади. Тезда «Оила ва муҳаббат» бўлими мудири Шамсия Зиё тахаллуси билан мақолалар ёзиб юрадиган Қурсияхонни чақиртириб:

— Қурсиябону, мана бу хатни ва ошиқ йигитга маслаҳат матнини тайёрлаб, кейинги сонга туширинг! — деди мактубни унга бераркан.

Қурсияхон мактубни тик турганча ўқиб чиқди ва бош муҳаррирга:

— Эски маслаҳатлардан бирортасини қўйиб юбораверайми? — деди ҳозиржавоблик билан.

— Ўзингизга қаранг, — деди бош муҳаррир. Қурсияхон «хўп бўлади» дея кетаётган эди, уни бош муҳаррир тўхтатди. — Яна яқин сонларда берилган маслаҳат бўлмасин, олдинги сонлардан топинг. Ўқувчилар такрор деб ўйлашмасин тағин. Энди боринг, тайёрлаганингиздан кейин бир кўз ташлаб берарман.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Қурсияхон бош муҳаррирнинг хонасига қайтиб кирди ва газетанинг уч ой олдинги сонини Саломат Сафиевнага берди.

— Уч ой олдин худди шу савол билан бир қизча мурожаат қилган экан. Шу саволни эркакчага ўгириб бераверайликми?

Бош муҳаррир газетадаги савол ва жавобни ўқиб:

— Деярли иккаласининг дарди бир экан, — деди газетани Қурсияхонга қайтараркан. — Материалдаги «қиз» деганини «йигит» деб ўзгартириб, кўчиришга бераверинг!.. Ҳа, яна бир гап, ҳозиргина калламга бир фикр келди. Шу қизнинг адресини мақола охирида илова қилинг, зора иккита куйган юрак бир-бири билан топишиб, савобнинг тагида қолиб кетсак...

Газетанинг кечаги сонида ушбу савол-жавоб чоп этилибди.

«...Укам Н., мен сенинг аҳволингни тушунаман. Ҳозир бизнинг ёшдаги йигитларнинг кўпчилигини севги касали қийнаб келади. Сен ҳиссиётга берилиб, ўзингни бирор кўйга солиб юрма. Жонингга қасд қилиб қўйсанг, ширкатнинг қўйларини ким боқади? Ҳамма дарднинг давоси — вақт. Ўйлайманки, ҳаммаси ўтиб кетади. Менинг бошимдан ҳам худди шундай воқеа ўтган. Мана, балоям урмади. Маслаҳатим, бошқа қизга кўнгил бер. Севгининг тафтини севги олади. Ишонаманки, ўз бахтингни топасан. Қўлюовдилик Ҳамдам.

Таҳририятдан:

Укам Н., ҳаётда бу каби саволга жавоб излаб юрган битта сен эмас. Яқинда бизга шундай савол билан бир қизча мурожаат қилган эди. Агар бахтингни синаб кўрмоқчи бўлсанг, ўша қиз ҳақидаги маълумотларни газета таҳририятидан олишинг мумкин. Сенга бахт тилаймиз!».

**Илҳом ЗОЙИР**

**Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).**




**Газетамизнинг 22 феврал 8-сонида чиққан ребус жавоблари: монополия, коллекция, глобализация, транспорт, Самарқанд, аккумулятор, матадор, редакция.**

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir SHAROFBOYEV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 556.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: H.NISHONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30 2345678

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda